



## ГРАДУОНИМ КОМПОНЕНТЛИ ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МУҚОБИЛЛАРИ

*Джумабаева Ж.Ш.,*

*ЎзМУ фил.ф.д., доц.,*

*Абдуллаева Н.Э.,*

*ЎзМУ таянч докторанти*

*Калит сўзлар:* градуонимия ҳодисаси, семантик ҳамда стилистик, синонимия, антонимия, омонимия, полисемия, гипонимия.

Тилнинг мураккаб бирликларидан бири бўлган мақол ўзига хос хусусиятлари билан бошқа фразеологик birlikлардан ажралиб туради. Бошқа тил birlikларида айнан мақолдаги каби семантик хилма-хиллик, халқ маданиятини яққол ўзида намоён қилувчи культуремаларнинг мавжудлиги, стилистик бўёқдорлик ва лингводидактик хусусиятларни учратиш қийин десак хато бўлмайди. Мақол жаҳон тилшунослигида кўплаб илмий тадқиқот ишларининг объекти бўлган ва унинг семантик, стилистик, структур ҳамда лингвомаданий хусусиятлари ўрганилган ва ҳали-ҳануз ўрганилмоқда. Лекин мақолларнинг таркибидаги градуонимик муносабатлар янги мавзу бўлиб, мазкур мақолада ушбу мавзу ўзбек халқ мақоллари таркибида мавжуд градуонимик муносабатлар ва уларнинг инглиз тилидаги эквивалентлари мисолида кўриб чиқилади.

Ўзбек тили турли-туман мавзудаги мақолларга бой эканлиги профессор Ў.Қ.Юсупов [1] каби бир қанча тилшунос ва адабиётшуносларнинг ишларида таъкидлаб ўтилган. Ўзбек тилидаги мақолларнинг турли характердаги ва турли ҳажмдаги тўпламлари (Н.Остроумов (1895), Б.Раҳмонов (1924), Ш.Жўраев (1926), Ҳ.Зарифов (1939, 1947), Б.Каримов (1939), Ш.Ризаев, Ў.Азимов, Ў.Холматов (1941), М.Афзалов, С.Иброҳимов, С.Худойберганов (1958, 1960, 1965, 1978), Р.Жуманиёзов (1964, 1967, 1970), Э.Сиддиқов (1976, 1986), Б.Саримсоқов, И.Ҳаққулов, А.Мусоқулов, Р.Зарифов (1978), Б.Саримсоқов, А.Мусоқулов, М.Мадраҳимова (1981, 1984), Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов (1987, 1990, 2001), Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов,

А.Мусоқулов (1989) ва бошқалар), уларнинг бошқа (шу жумладан, инглиз, рус, форс, немис) тиллардаги муқобиллари билан бирга қилинган нашрлари (У.Повали (1975), Н.Гацунаева (1988), М.Содиқова (1993, 2005), К.М.Кароматова ва Ҳ.С.Кароматов (2000), Ш.Мирзо (2000), Ҳ.Иброҳим (2002), М.Абдусаматов, Ф.Ҳамидхонова (2006) ва бошқалар) чоп этилган бўлиб, бу тўпламлар ўзбек тилидаги кўплаб мақолларни ўз ичига қамраб олган. Ўзбек халқининг нутқида турли-туман мақолларни тез-тез учратамиз ва ҳар гал улардаги маъно бўёқдорликнинг такрорланмас кучини ҳис қиламиз.

Тилшунос олимлар Т.Мирзаев, А.Мусоқулов ва Б.Саримсоқов томонидан 2005 йил чоп этилган “Ўзбек халқ мақоллари” [2] тўпламининг қайта тўлдирилган нашрида ўзбек тилидаги мақоллар 70 га яқин мавзуларга ажратилган. Ушбу тўпламда 9 мингга яқин мақоллар жамланган бўлиб, ҳар бир мавзудаги мақоллар сони ҳисоблаб чиқилганда “яхшилик ва ёмонлик” мавзусида 470 та, “меҳнатсеварлик ва ишёкмаслик” мавзусида 359 та, “донолик ва нодонлик” борасида 300 та, “оила ва кўшничилик” мавзусида 251 та, “фаросат ва фаросатсизлик” борасида 250 та, “эҳтиёт ва эҳтиётсизлик” мавзусида 241 та, “кадр-қиммат ва кадрсизлик” бўйича 234 та ва шу каби бошқа мавзуларда ҳам кўплаб мақоллар келтириб ўтилган бўлиб, мазкур мавзулар орасида “ғурур ва ҳушомад” мавзусига оид мақоллар 22 тани ташкил этади. Миқдор жиҳатидан кўп сонли мақолни ўзида қамраб олган “яхшилик ва ёмонлик” мавзуси нафақат



Ўзбек тилида, балки бошқа тилларда ҳам кўплаб мақолларни ўзида бирлаштиради.

XX асрнинг бошланиши замонавий тилшуносликнинг янгидан-янги турли соҳаларининг пайдо бўлиши ва ривож топишига гувоҳ бўлди. Бунга, энг аввало, тилшуносликда эмпирик даврдан диалектик даврга ўтиш ҳолати сабаб бўлган бўлса, кейинги асосий сабаб бу – тилга мураккаб тизим сифатида қараш бўлиб, унга кўра тил бирликлари алоҳида бир-биридан ажратилган ҳолда эмас, балки улар ўзаро боғланишга эга лисоний бирликлар сифатида ўрганила бошланди. Мазкур ҳолат ўз навбатида, тилшунослик тадқиқотлари оқимини янги асос ва йўлларга – методологияга кўчирилиши учун сабаб бўлди.

Тилшуносликда лисоний бирликларнинг ўзаро лексик-семантик муносабатлари турли кўринишларга эга бўлиб (синонимия, антонимия, омонимия, полисемия, гипонимия ва бошқалар), мазкур парадигмаларда тил бирликлари уларнинг денотатив ва коннотатив семаларига таянган ҳолда классификация қилинади. Замонавий лингвистикада мазкур парадигмалар қаторига градуонимия (даражаланиш) парадигмасини ҳам қўшиб қўйиш вазифаси юклатилади. Даражаланиш ҳодисаси борлиқда турли-туман кўринишда мавжуд эканлиги гносеолог олимлар томонидан исбот қилинган. Буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳам ўз асарларида бир-бирига маънодош муносабатга эга бўлган сўзларнинг маъноларида белги даражасининг ортиб ёки камайиб боришини таъкидлаб ўтган ва мисоллар билан бу ҳолатни далиллаб берган.

**Градуонимия** (даражаланиш) илмий атамаси асосида лисоний бирликларнинг тилдаги маълум бир белгиси ошиб-камайиб боришига кўра зидланиши тушунилади. Ўзбек тилшунослигида ҳозир “градуонимия”, “градуонимик муносабат” ва “даражаланиш” атамалари деярли синонимлар сифатида қўлланилмоқда.

Градуаллик, маъно даражаланиши, градация каби мавзулар борасида жаҳон тилшунослигида М.Бирвич, М.Кресвел, Д.Болингер, С.Колесникова, С.Д.Кацнельсон, О.Еспероен, Ю.С.Степанов каби олимлар томонидан тадқиқот ишларида муайян ғоялар келтириб ўтилган.

Ўзбек тилшунослигида градуонимия мавзусига бағишланган тадқиқотлар XX асрнинг 70-йилларида бошланди (Ҳ.Неъматов, С.Ғиёсов каби тилшуносларнинг ишлари). Р.Сафарова (1990) ўз ишида даражаланишни илмий фараз сифатида берган бўлса, Ш.Ғ.Орифжонова (1996) ўзининг номзодлик ишида уни атрофлича тадқиқ қилиб, мазкур парадигманинг ўзига хос хусусиятларини очиб берди. О.Бозоровнинг докторлик диссертацияси (1996) [3] ҳам даражаланишни чуқур ўрганишга асос бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари мазкур мавзуда М.Нарзиева, Н.Воҳидова, Ж.Ш.Джумабаева ва яна бир нечта тилшунослар илмий изланишлар олиб борганлар. Хусусан, Ж.Ш.Джумабаеванинг “Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия” (2016) номли докторлик ишида мазкур ҳодиса икки тилда батафсил чоғиштирилди [4].

Градуонимия ҳодисаси нафақат тилнинг содда бўлақларида, балки мураккаб бирликларида ҳам мавжудлиги тилшунослик учун янги ҳодиса эмас. Фразеологизмларга оид семантик даражаланишлар Ш.Раҳматуллаев томонидан 60-йиллардаёқ алоҳида мавзу сифатида ўртага ташланди. Унинг фраземалар таҳлилига бағишланган ишида эмоциянинг кучли-кучсиз даража семасини ажратиш зарурати борлиги айтилиб, “*таъби хира*”, “*дили сиёҳ*”, “*бағри қон*” фразеологик бирликларнинг фарқларини хафалик белгисининг даражаланишларида эканлигини таъкидлаб ўтади [5]. Фразеологик бирликларнинг даражаланиш ҳодисаси ҳақида А.Абдуллаев, И.Расулов, О.Бозоров ва



Ж.Ш.Джумабаеванинг ишларида ҳам кузатиш мумкин.

Фразеологик бирлик сифатида мақоллар ҳам ўз таркибида градуонимик муносабатларни сақлайди. Айнан ўзбек тилида уларнинг миқдори 100 тадан кўп эканлиги тадқиқотимиз давомида ўз исботини топди.

*Бирлашган дарё бўлар, тарқалган ирмоқ бўлар.*

Ҳамжихатлик тўғрисидаги мазкур мақолда *дарё* ва *ирмоқ* сўзлари табиий сув ҳавзаларининг ҳажм белгиси семаси асосидаги градуонимик қаторнинг градуонимлари бўлиб, мазкур градуонимик қаторни қуйидагича келтириш мумкин: *кўл – ирмоқ – дарё – денгиз – океан.*

*Ўт билан ўйнашмоқ тентакнинг иши, юрт билан ўйнашмоқ аҳмоқнинг иши.*

Ушбу мақолда эса ақлан суствлик даражасини ошиб бориши қаторидан (*гўсхўр – тентак – аҳмоқ – нодон*) жой олган *тентак* ва *аҳмоқ* градуонимларини кўриш мумкин.

*Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас.*

*Ёз бор, қиш бор, дангасада на иш бор.*

*Ёз бўйи ётар, қиш бўйи қотар.*

Дангасалик ҳақидаги мазкур мақолларда *циклик (айланма) градуонимик қаторнинг* аъзолари қатнашган: *қиш – баҳор – ёз – куз.* Мазкур *циклик градуонимик қаторнинг* барча аъзолари юқорида келтириб ўтилган мақолларда кўрсатилмаган бўлсада, уларнинг мазмунидан тушиб қолган градуонимларни ҳам тушуниб олиш мумкин. Фасллар кетма-кет келиши сабабли уларнинг ҳар бирини келтириб ўтилиши шарт эмас, қишнинг келиши ундан кейин баҳор, ёзнинг келиши эса ундан сўнг куз келишини англатади ва мақолларда икки фаслнинг берилиши тўлиқ йилга тенг вақтни англата олади.

*Қимирлаган қир ошар, тигизлаган тоғ ошар.*

Бу мақолда ернинг баландлиги ошиб бориши бўйича даражаланган табиий ер ландшафти турларининг градуонимик

қатори аъзолари қатнашган: *баландлик – тепалик – қир – адир – тоғ – чўққи.*

Миқдорни билдирувчи сон сўз туркуми ўз ҳолича даражаланишни ўзида намоён қилади. Сонлар қатнашган мақоллар ўзбек тилида кўпчиликни ташкил этади:

*Бир калнинг ҳийласи қирқ кишини чарчаттар.*

*Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи.*

*Ўғрининг ўзи – битта, кўзи – юзта.*

*Бирники мингга, мингники – туманга.*

*Яхши бир тавба қилади, ёмон – юз.*

*Минг ёвдан бир душман ёмон.*

Мақоллар ўзида халқнинг маданиятини, урф-одатларини ва ўзига хос тушунчаларини намоён қилгани сабабли, уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш жараёнида уларнинг иккинчи бир тилдаги муқобилини (эквивалентини) топиш таржима жараёнидан қутилган натижани бера олади. Ўз навбатида бирор-бир мақолнинг бошқа тилдаги муқобили унинг семантик, стилистик ва лингвопрагматик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланади. Ўзбек тилидаги градуонимик муносабатларга эга мақолларнинг инглиз тилидаги муқобилларида ҳар доим ҳам градуонимлар мавжуд бўлавермайди. Буни юқорида кўриб чиқилган ўзбек мақолларининг инглиз тилидаги муқобиллари мисолида кўриш мумкин:

*Бирлашган дарё бўлар, тарқалган ирмоқ бўлар. – Better lose a jest than a friend.*

*Ўт билан ўйнашмоқ тентакнинг иши, юрт билан ўйнашмоқ аҳмоқнинг иши. – Give a fool rope enough, and he will hang himself.*

*Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас. – A lazy sheep thinks its wool heavy.*

*Ёз бор, қиш бор, дангасада на иш бор. – Idle folks lack no excuses.*

*Ёз бўйи ётар, қиш бўйи қотар. – Idleness rusts the mind.*

*Қимирлаган қир ошар, тигизлаган тоғ ошар. – No pain, no gain.*



*Бир калнинг хийласи қирқ кишини чарчатар. – One scabby sheep will mar a whole flock.*

*Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. – A good dog deserves a good bone.*

*Ўғрининг ўзи – битта, кўзи – юзта. – A thief passes for a gentleman when stealing has made him rich.*

*Бирники мингга, мингники – туманга. – A drop of poison ruins the bottle of wine.*

*Яхши бир тавба қилади, ёмон – юз. – What is got over the devil's back is sent under his belly.*

*Минг ёвдан бир душман ёмон. – Of two evils choose the least.*

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, градуонимия ҳодисаси паремиология(мақолшунослик)га ҳам хос ходиса бўлиб, мақоллар таркибидаги градуонимлар уларнинг маъносини янада таъсирчан ва бўёқдор бўлишини таъминлаб беради. Ўзбек тилида бу каби

мақолларнинг миқдори бошқа тиллардагига нисбатан сезиларли даражада кўп бўлиб, уларнинг аксарияти ўзида сон градуонимиясини намоён этади.

Юқорида кўриб чиқилган градуонимик муносабатларга эга ўзбек халқ мақолларининг инглиз тилидаги муқобиллари ўзида даражаланиш ҳодисасини акс эттирмайди. Шунга қарамай, таркибида градуонимлар мавжуд ўзбек тилидаги мақоллар ва уларнинг муқобиллари оғзаки нутқда фаол қўлланилиши ва халқчиллиги уларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида назарда тутилади. Ўзбек халқ мақолларида бир ҳолат иккинчиси билан қиёсланиши айнан улардаги градуонимлар ёрдамида амалга оширилади. Инглиз тилидаги мақолларда бундай қиёслашлар кам учровчи ҳолатдир. Шу билан бирга, ўзбек тилидаги мақолларда циклик градуонимик қатор аъзолари кўп учрайди ва бу ҳолат мазкур мақолларнинг семантик ҳамда стилистик хусусиятларини кучайтириб беради.

#### Адабиётлар:

1. Юсупов Ў.Қ. Contrastive Linguistics of the English and Uzbek languages. Инглиз ва ўзбек тилларининг чоғиштирма лингвистикаси. Т.: Академнашр, 2013, 38 б.
2. Мирзаев Т., Мусоқулов А., Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. Т.: Шарқ, 2005, 496 б.
3. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Т., 1996, 132 б.
4. Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ва стилистик градуонимия. --- Т., 2016.
5. Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маънолари компонент таҳлилининг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986, 20 б.
6. Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. М-Л.: Наука, 1965, 81 с.
7. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. М.: Просвещение, 1975, 38 с.

*Джумабаева Ж.Ш., Абдуллаева Н.Э. Узбекские народные пословицы с градуальными компонентами и их эквиваленты в английском языке* Данная статья посвящена анализу узбекских пословиц с градуонимическими отношениями и особенностями английских эквивалентов. Результаты и примеры этой статьи содействуют изучению градуонимии в узбекских и английских пословицах.

*Djumabayeva J.Sh., Abdullayeva N.E. Uzbek proverbs with graduonymic component and their equivalents in English. This article is devoted to the analysis of the peculiarities of Uzbek proverbs that have graduonymic relations and their equivalents in English. The results and examples of this article can be bases of investigating graduonymy in Uzbek and English proverbs.*